

# ТО'QQASH О'QSHОМ

2008 йил, 5 март, Чоршанба

**XXI АСР САДОСИ**  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 42 (11.103)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

### Кечка сатрларда

● **БУГУН** Файзулла Хўжаев номидаги маҳалла гузариди Наврўз тадбирлари доирасида кам таъминланган оилалар фарзандлари учун ўтказилган суннат тўйи «Маҳалла» жамғармасининг Тошкент шаҳар ва Мирзо Улугбек туман бўлимлари ҳамкорлигида уюштирилди.

● **БУГУН** «Зарафшон» тантаналар уйида шаҳримиз маҳаллаларининг фаол аёллари иштирокида «Маҳалла» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан ўтказилган байрам тадбири 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланди.

● **КЕЧА** Ёшлар йилига бағишлаб 31-мактабда уюштирилган давра суҳбатида Миробод туман халқ таълими бўлимига қарашли муассасалар вакиллари иштирок этишди.

● **КЕЧА** Ҳамза туманидаги «Машинасозлар» маҳалласида маҳалла ёшлари иштирокида ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Чилонзор туманидаги «2-Чарх Камолон» маҳалла гузариди «Кексалар—эл ардоғида» мавзуда туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, Тошкент шаҳар фахрий аёллар уюшмаси ҳамкорлигида уюштирилган ёзоз кечаси 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланди.

● **МИРЗО** Улугбек туманидаги «Оқибат» маҳалласида фаоллар ва ёшлар иштирокида икки кун давомида ҳашар уюштирилди.

● **ЮНУСБОД** туманидаги «Куллуқоргон», «Шодлик» маҳаллалари худуди чикиндилардан тозаланди, кўчалар, хиёбонлар ораста холга келтирилди.

● **ЎТТАН** кун Тошкент шаҳар ИИББ ташаббуси билан ўтказилган тадбир «Ёшлар тарбиясида хотин-қизларнинг ўрни» деб номланди.

● **ТАДБИРКОРЛАР** ва ишбилармонлар ҳаракати—Ўзбекистон либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан партия фаоллари ва ёшлари иштирокида уюштирилган давра суҳбатида аёлларнинг сиёсий фаоллигини ошириш чора-тадбирлари муҳожама қилинди.

● **ШАҲРИМИЗДА** консалтинг хизмати ва уни такомиллаштиришнинг аҳамиятига бағишланган форум ўтказилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

**КЕЧА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ МУҲТАШАМ «O'ZBEKSPOMARKAZ»ДА БИР ЙЎЛА ИККИТА КЎРГАЗМА ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ. БУ «ҚУРИЛИШ ВА ИНТЕРЬЕР, ИСИТИШ ВА ВЕНТИЛЯЦИЯ—UZBUILD — 2008» ТЎҚҚИЗИНЧИ ҲАМДА «МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ, ИНТЕРЬЕР ВА ДИЗАЙН—МЕБЕЛЕХРО UZBEKISTAN — 2008» БЕШИНЧИ ЎЗБЕК ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАЛАРИДИР.**



Кўргазмалар



## СЎНГГИ ЮТУҚЛАР ВА ИЗЛАНИШЛАР НАМОЙИШИ

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, UzBuild 9 йилдирки, қурилиш соҳасининг ҳамма асосий иштирокчилари эътиборини ўзига тортмоқда. Кўргазма ташкилотлари ITE Uzbekistan халқаро кўргазмалар компанияси ҳамда унинг шериги ҳисобланган ITE Exhibitions & Conferences Ltd (Буюк Британия) кўргазмалар компаниясидир.

Айтиш керакки, кейинги йилларда мамлакатимизда бунёдкорлик қўлами ортиб, қурилиш тармоғининг барқарор ривожланиши мамлакат иқтисодиётида катта аҳамият касб этмоқда. Шу боис ҳам фақат мавжуд самарали қурилиш ашёлари, улар қўлланиладиган соҳагина эмас, ҳозирда юртимизда маҳаллий хом ашё ресурслари мавжудлигини ҳисобга олиб, уларни ишлаб чиқариш, захираларини баҳолаш, корхоналар ташкил этиш имкониятини ўрганиш ҳам алоҳида эътибор касб этади. Ана шу жиҳатдан қараганда тармок мутахассислари Uz Build кўргазмасини санаотдаги барча янгиликларни жамлаган, юксак самара берадиган тадбир сифатида баҳолашмоқда.

Ушбу кўргазманинг мекёси ортиб, унда иштирок этаётган компания ва фирмалар сони кўпайиб бормоқда. Бу йилги кўргазмада жаҳондаги 17 та мамлакатдан 130 дан зиёд компания иштирок этмоқда. Шулардан 24 фоизи юртимизда фаолият кўрсатаётган компаниялар бўлиб, қолганлари Австрия, Германия, Дания, Беларусь, Италия, Хитой, Польша, Туркия, Россия, Финляндия, Чехия, Украина, Қозғистон, Қирғизистон, Швеция сингари мамлакатлардан ўз ютуқлари билан ташриф буюрган иштирокчилардир. Жорий йилдаги кўргазманинг яна бир хусусияти, у биринчи марта «Ўзқоспонарқаз»нинг учта павильонини эгаллаганидир ва ташриф буюрувчиларга улар билан танишиш учун қулай шартлар яратилганидир. Шунингдек, мазкур кўргазмада халқаро си-

фат андозаларига жавоб берувчи юқори сифатли қурилиш-пардозлаш ашёлари, пол ва том қўпламалари ишлаб чиқарувчи компаниялар янги маҳсулотларини намоиш этишмоқдаки, бу барчада қизиқиш уйғотаётганининг гувоҳи бўлмаси. Кўргазманинг йўналиши кенг бўлиб, айниқса, «Қурилиш материаллари», «Қурилиш ускуналари», «Иситиш ва вентилляция тизимлари», «Сантехник жиҳозлари», «Лок ва бўёқлар», «Том ёпиш ашёлари» сингари бўлимларида ишлаб чиқарувчиларнинг изла-нишлари самарасини аққол кўришингиз мумкин ва уларни таққослаб баҳо бера оламиз. Республикаимизда цемент санаотининг пешқадами ҳисобланган «Охангронцемент», йўловчи, юк ташуш ва кемалар лифтилари, улар учун эътиёт қисмлари ишлаб чиқарувчи «Самарқанд лифтсозлик заводи», Польшанинг дунёга танилган қурилиш анкер тизимлари ишлаб чиқарувчи «XALFEN-DEXA», торتما шифтларнинг янги тизимларини тақлиф этаётган Туркиядаги «TEKNO» компанияси, Россиянинг иссиқликни изоляциялаш компонентлари ишлаб чиқарувчи «ПЕНОПЛЭКС» компанияси сингари ўзларининг энг сўнгги ютуқларини намоиш этишмоқда.

Мазкур кўргазмада биринчи марта Польша Республикасининг юртимиздаги элчixonаси ягона миллий тенди орқали қурилиш ашёлари ишлаб чиқараётган етакчи компанияларини таништирмоқда. Ушбу тенд 8 та компанияни бирлаштирган бўлиб, улар герметиклар, елимлар, полиуретан қўпиклар, пигмент ва ранглар, сопол плитка, пардозлаш қопламаси, сантехника ҳамда абразив асбоблар сингари қурилиш материалларини тақдим этишмоқда.

Яна бир янгилик хусусида тўхталадиган бўлсак кўргазма иштирокчилари «UzBuild Daily» ахборот нашрида республикамиз қурилиш са-



ноати ҳамда унинг ривожланиш истиқболлари билан танишиш имкониятларига эга бўлмоқдалар.

Ўзбекистон мебель санаотининг энг катта анжумани бўлган «MebelExpo Uzbekistan» — 2008 5 йилдирки, ўз нуфузига эга бўлиб, эътибор қозониб келмоқда. Катнашчиларнинг истаklarини ҳисобга олган ҳолда юқоридаги ташкилотчилар ўхшаш мавзуда икки кўргазмани бирлаштиришга қарор қилдилар. Уларнинг бир вақтда ўтказилиши аввало турдош соҳалар мутахассислари доирасини кенгайтиради, иштирокчи ва ташриф буюрувчиларга ўзаро мулоқотларда, фойдали шартномаларда қулайлик яратиб, яхши самара бериши аниқ.

Мебель кўргазмасида айни вақтда Ўзбекистон мебель, ёғочга ишлов бериш санаотида аксини топаётган барча ижобий ўзгаришларга гувоҳ бўлишингиз мумкин. Шунингдек, унда жаҳоннинг 8 та мамлакатидан, яъни Германия, Индонезия, Қозғистон, Хитой, Польша, Россия, Словения давлатларидан 15 дан зиёд компаниялар иштирок этишмоқда. Айниқса, Германиянинг «Хомег» ва «Клейберит», Польшанинг «Кронополь», Россиянинг «Слотекст», Қозғистоннинг «Адонис» компаниялари, республикамиздаги «Командор» охсона мебеллари саломи кўргазманинг доимий иштирокчиларига айланган ва ҳар йили ўз излашлари самарасини намоиш этишади. Аънанавий тарзда ўтказилаётган ушбу кўргазма мамлакатимизга хорижий инвестицияларни жалб этишда, мебель бозоридидаги рақобатни кучайтиришда, ички бозорни юксак сифатли мебель турлари билан таъминлашда, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишда, хорижий ҳамда маҳаллий мебелсозларнинг маҳсулотлар бозорини кенгайтиришда катта аҳамият касб этиши кўзда тутилган. Шунингдек, тармок мутахассисларининг таъкидлашларича, жуда долзарб саналган мазкур кўргазма чет эллик ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида ўзаро ҳамкорликларини янада мустаҳкамлаб, хориждан мебель дастгоҳ ва ускуналар олиш, хорижий етказиб буюрувчилар билан амалий алоқаларни йўлга қўйишда катта ўринга эга.

Фойдали мулоқотлар ўтказилиши, зарур шартномалар имзоланиши, ўзаро ҳамкорлик ва шерикликнинг янада мустаҳкамланиши кўзда тутилаётган ҳар иккала кўргазма 4 кун давом этади. Унга ташриф буюрганлар ҳар икки тармок соҳаларининг муваффақиятларидан воқиф бўладилар ва излашларининг гувоҳига айланадилар.

**Шарифа ИЛЁСОВА**  
СУРАТЛАРДА: кўргазма намоишидан лавҳалар.  
Наталья Семёнова олган суратлар

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқанд шаҳрида Олий Мажлис Сенати томонидан халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари доимий комиссиялари раисларининг ўқуви ташкил этилди. Икки кун давом этган ушбу анжуманда туманлардан келган депутатлар мамлакатда кечаётган улкан ислохотлар жараёнида доимий комиссияларнинг ўрни ва аҳамияти, уларнинг фаолиятини янада жонлантириш, кенг жамоатчилик билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш каби масалалар юзасидан фикр алмашишди.

● Президент соврини учун ўтказилаётган «Ташаббус-2008» кўрик-тайловининг Қашқадарё вилояти босқичида 432 нафар тадбиркор, хунарманд ва фермер ўз маҳсулоти билан иштирок этди.

● «Камолот» ЁИХ Бухоро вилояти Кенгаши ташаббуси билан байрамодди ҳашари ўтказилди. Тозалик ва ободончилик ойлиги доирасида уюштирилган ушбу тадбирда 35 минг нафардан зиёд йигит-қиз иштирок этди, уларнинг кучи билан жами 554 гектар майдон тозаланди, 96700 туп манзарали, 30 минг тупдан зиёд мевали дарахт кўчатлари ўтказилди.

● Наманганда «Экология ва саломатлик кучлари доирасида ўтказилган ҳашарда қатнашган 1 миллионга яқин киши 500 минг туп кўчат ўтказди. Шу кун 2577 гектар майдон ободонлаштирилиб, 866 километр узунликдаги сув йўллари тартибга келтирилди.

● Бухоро шаҳрида хотин-қизлар байрами муносабати билан ЎзЛиДеП вилоят кенгаши ва «Мадад» хайрия маркази ҳамкорлигида тантанали кеча уюштирилди. Тадбирга вилоятдаги меҳнат фахрийлари, хотин-қизлар кўмиталари вакиллари, фаол талабалар ва спортчилар тақлиф этилди.

● Қашқадарё вилояти хотин-қизлар кўмитаси «Ижодкор аёллар» уюшмаси билан ҳамкорликда «Эзгу сўз, эзгу амал» мавзудаги тадбирини Қарши шаҳрининг қадимий маркази —Регистон майдонидаги Одина масжидида ўтказди.

● Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида «Энг ибратли ҳарбий оила» кўрик-танлови ўтказилди. Унда мазкур билим юрти ҳарбий хизматчилари оилалари иштирок этди. Танлов иштирокчилари «Дадам, ойим ва мен—соғлом оиламиз», «Меҳр тафти», «Тафаккур гулшани», «Ширин таом—ширин калом», «Истеъдод» каби шартлар бўйича беллашдилар.

● Паркентлик фермер Ёрмон Холмонов ноз-неъматлар етиштириш билан бир қаторда тоғ ёнбағрида жойлашган Чотқол қишлоғида ўз ҳисобидан гишт заводи қурди. Унинг ҳиммати туфайли 40 дан зиёд киши доимий иш билан таъминланди.

## ЖАҲОНДА

● АҚШ давлат котиби Кондолиза Райс Миср раҳбарияти билан музокаралар ўтказганидан сўнг Исроилга ташриф буюрди. Райсининг ҳар иккала мамлакатга ташрифидан асосий мақсад Исроилнинг Газо секторидида ҳарбий амалиётлар ўтказганини оқибатида худудда тинчликни таъминлаш бўйича узилиб қолган музокараларни қайта тиклашга фаластинлик ва исроилликларни жалб этишдир.

● БМТ Хавфсизлик Кенгаши Эронга қарши санкцияларни янада кескинлаштирди. Янги резолюция 14 овоз билан маъқулланди. Ушбу резолюцияга мувофиқ бир қатор Эрон компаниялари ва банкларига тегишли ҳисоб рақамлари «музлатиб» қўйилади. Шунингдек, Техрон ядровий дастурига алоқадор бўлган мутахассисларнинг чет элга чиқишлари таъқиқланади.

● Арманистон пойтахти Ереван шаҳрида 20 кунлик фавқулодда ҳолат амал қилмоқда. Фавқулодда ҳолатнинг жорий этилишига пойтахт худудида радикал кайфиятдаги намоёнчилар томонидан йўлларнинг тўсиб қўйилиши ва автомобилларнинг ёқиб юборилиши сабаб бўлди.

● Шарқий Покистоннинг Лаҳор шаҳридаги Ҳарбий-денгиз коллежи биноси ёнида бир қанча портлашлар рўй берди. Ушбу террорчилик ҳаракатлари оқибатида беш киши ҳаётдан кўз юмди, 7 киши оғир тан жароҳати олди. Мамлакат полицияси портлаш сабабларини ўрганмоқда.

● Кеча Литвада ўқитувчиларнинг муддати белгиланмаган иш ташлашлари бошланди. Улар ойлик маошлари 50 фоизга оширилгунга қадар иш ташлашни давом этти-ражақларини билдирдилар.

● Швеция ва Голландия Косово мустақиллигини тан олди.

● Россиянинг «Газпром» компанияси кеча Украинага газ етказиб бериш ҳажминини яна 25 фоизга қисқартирди.

● Кеча Байрут, Дамашқ, Техрон ва Коҳира шаҳарларида Исроилнинг Газо секторидидаги ҳарбий амалиётларини тўхтатишни талаб қилган ҳолда нозорикчи намоёнчилари бўлиб ўтди.

● Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳридаги аэропортда «Giggs» русумидаги самолёт ҳалокатга учради. Маҳаллий полиция вакиллари авиалоқат сабабларини аниқлашди. Аниқлашича, аэропорт ходимлари бензин билан ҳаракатланадиган самолётга янглишиб авиакеросин куйиб юборишган. Оқибатда самолёт парвоз чоғида қулаб тушган, ундаги тўрт йўловчи ҳалок бўлган.

## ПИ СУ-ХО:

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ ТАШРИФИ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ УЧУН МУҲИМ ВОҚЕАДИР»

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИ ЖАҲОННИНГ ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАРИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, ИЛМИЙ, ЭКСПЕРТ, ДИПЛОМАТИЯ ДОИРАЛАРИ, ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВА ХОРИЖИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИДА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙГОТДИ.

Бу борада билдирилган фикр-мулоҳазаларда эътибор авваламбор, Президент Ислам Каримов билан Корей Республикаси Президенти Ли Мён Бак ўртасида ўтказилган учрашув ва музокараларга қаратилган. Ташриф асосида имзоланган идоралар ҳужжатлар стратегик шериклар бўлган мамлакатларимиз муносабатларини келгусида ҳам дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч асосида қури-лиши яна бир бор тасдиқлади.

«Корея газ корпорацияси» («КОГАЗ») президенти Ли Су-хонинг таъкидлашича, «Ўзбекистон раҳбари Ислам Каримов Президент Ли Мён Бакнинг ўз лавозимини бажаришига расман қири-шишига бағишланган тантанали маросимда энг асосий меҳмон сифатида иштирок этгани ҳеч муболағасиз, Жанубий Корея учун муҳим тарихий воқеа ва янги ҳукуматни қўллаб-қувватлашининг ўзига хос ифодаси бўлди. Бундай ўзаро ишонч икки мамлакат ўртасида иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик борасида имзоланган кўп-қул битимлар билан мустаҳкамланган бўлиб, улар келгусидаги муносабатлар ривожини учун қулай шарт-шароитлар яратди.

«Қўшма корхона ташкил этиш ва газ-кимё мажмуасини барпо қилишга доир битимнинг имзолани-ши чоғида Ўзбекистон раҳбарининг иштирок этгани ҳам муҳим воқеа бўлди. Зеро, бу Президент икки томонлама ҳамкорликнинг мазкур соҳадаги ривожига улкан аҳамият бераётганидан далолатдир. (Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ФАҲ, ТАЪЛИМ, МАДАНИЯТ ВА СПОРТ МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИНING 2008 ЙИЛ 4 МАРТ КУНИ БЎЛИБ ЎТГАН МАЖЛИСИДА «ИХТИРОЛАР, ФОЙДАЛИ МОДЕЛЛАР ВА САНОАТ НАМУНАЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИНГ МУТАСАДДИ ИДОРЛАР ТОМОНИДА ИЖРО ЭТИЛИШИНИ ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.

### Олий Мажлис Сенатида

## ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

Ушбу Қонунни ижро этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва техно-логияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар томони-дан ихтиролар, фойдали моделлар ва санаот намуналари ҳуқуқий муҳофаза этили-шини таъминлаш ҳамда улардан фойдаланиш йўлида муайян ишлар амалга оши-риб келинаётганлиги мажлис аҳли томонидан алоҳида қайд этиб ўтилди.

Шу нарса ҳам таъкидландики, қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Респу-бликаси Давлат патент идораси санаот объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаб келмоқда. Мазкур идора ихтиролар, фойдали моделлар ва санаот намуналарига патент бериш ҳақидаги талабномаларни қўриб чиқиш учун қабул қилиш, улар юзасидан давлат эксперти-засини ўтказиш, давлат рўйхатида олиш ҳамда уларга патентлар бериш билан шуғулланмоқда, шунингдек, патентлар берилганлиги, уларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги ва бошқа ахборотлар эълон қилиб бориладиган расмий ахборотнома нашр этмоқда.

(Давоми 3-бетда).

МАНА, ҚАЛБЛАРИМИЗНИ ОЛАМ-ОЛАМ ҚҮВОНЧГА ТҮЛДИРИБ, ЮРТИМИЗДА ФАСЛИ БАҲОР БОШЛАНДИ. МАЪЛУМКИ, БАҲОР КЕЛИШИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗДА АНЪАНАГА АЙЛАНГАН ТАДБИРЛАРДАН БИРИ — ҲАШАРЛАР БОШЛАНАДИ. ЮРТ ОБОДЛИГИ, КЎРКАМЛИГИ ВА ОЗОДАЛИГИ ЙЎЛИДА ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ «ҲАШАР - ЭЛГА ЯРАШАР» НАҚЛИГА АМАЛ ҚИЛИБ ҲАШАРЛАРДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАДИЛАР.

Ўлкамизда Наврўз нафаси

ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

1 март куни мамлакатимизда «Экология ва саломатлик кунлари»нинг Наврўз байрами ҳамда Ешлар йилига бағишланган биринчи босқич тадбирлари дастурига асосан умумреспублика экологик ҳашари бўлиб ўтди. Айтиш жоизки, аҳолига бақарор экологик вазиятни таъминлаш мақсадида «Экосан» халқаро ташкилотининг та-

сабати билан «Экология ва саломатлик кунлари»нинг биринчи босқичи доирасида «Хар бир ёш бир туп кўчат экса...» шiori остида республикамизда ешлари кўчат экиш, уни парвариш қилишга даъват этилди ва «Экосан ешлар боғлари»ни барпо этиш ҳаракати бошланиб кетди. Мазкур ташаббусни биринчилардан бўлиб «Ешлик» талабалар шарҳаси, бу ерда жойлашган барча олий ва ўрта махсус ўқув юрталарининг талабалари қўллаб-қувватлади ва 1 март куни шаҳар ҳудудида минглаб талаба-ешлар иштирокида кенг қамровли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Ҳашарни ўтказиш бўйича республика штабнинг берган маълумотларига кўра ҳашарда саккиз мингдан зиёд киши иштирок этган. Улар ўз иш жойларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, саноат ускуналарининг техник ҳолатини яхшилаш ва бошқа профиллактика ишларни амалга оширдилар, қолганлари эса тозалаш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини бажардилар. Пойтахтимизнинг Ботаника боғида бўлиб ўтган ҳашарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, таниқли фан арбоблари, санъат ва адабиёт намоёндалари, шунингдек, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, ешлар ва журнал-



листар иштирок этдилар. Шунингдек, экологик ҳашар барча вазирилик ва идоралар, қорхона ва ташкилотларда, олий ва ўрта махсус ўқув юрталарида кўтаринки рўҳда ўтди. Айтиш жоизки, умумреспублика экологик ҳашарларидан тушган маблағ еш оилаларини, айнакча боқувчисини йўқотган ва яққа ҳолатда болаларини тарбиялаётган еш оналарни моддий ва маънавий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ўқувчи ва талабаларнинг маиший шароитини янада яхшилаш, шу билан бирга Оролбўйи ва бошқа минтақалардаги ижтимоий объектларга ёрдам кўрсатиш мақсадида юборилаётган «Экосан» саломатлик поездларини ташкил қилишга ишлатилади.

Мамлакатимизда Ешлар йили муно-



Дилором ИКРОВА СУРАТЛАРДА: экологик ҳашардан лавҳалар.

Транспорт

ХИЗМАТ ДАРАЖАСИ ОШМОҚДА

МАЪЛУМОТЛАРГА ҚАРАГАНДА, БУГУНГИ КУНДА АҲОЛИГА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ТИЗИМИ БОШҚА ТАРМОҚЛАРГА НИСБАТАН КЕНГ РАҚОБАТЧИЛИК АСОСИДА РИВОЖЛАНАЁТган СОҲАЛАРДАН ҲИСОбЛАНДИ.

Айниқса, мамлакатимизда мулк шакли ўзгариб, хусусий секторнинг вужудга келиши бу борадаги рақобатни янада авж олтирди. Натижада аҳолига намунали транспорт хизмат кўрсатиш даражаси бирмунча яхшиланди. Хўш, ана шундай шароитда давлат тизимига қарашли бўлган ақциядорлик жамиятларида аҳвол қандай? Биз ушбу масалага ойдинлик киритиш мақсадида Сергели туманидаги 12-автосарой ақциядорлик жамиятида бўлдик. — Бундан 7-8 йиллар аввал соҳада шахсий автомобил эгалари билан юзага келган рақобатдан анча ўйлиниб қолгандик, — деб эслай-

белгиланган йўналишларда салкам 13 миллион 531 нафар йўловчининг узоғи яқин қилинган бўлса, улардан тушган даромад миқдори 5,218,2 миллион сўмини ташкил этди. Бу белгиланган режага нисбатан 133,8 фоиз демандир.

Кўриниб турибдики, аҳолига намунали транспорт хизмати яхшилана бошлаётган, йўловчилар сони ҳам ўз-ўзидан кўпаяди.

— Албатта, биз бу эришганимиз ютуқларимиз билан чеklangиб қолаётганимиз йўқ, — деб сўзида давом этди Қ.Зиқиров. — Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш даражасини янада яхшилаш мақсадида «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси раҳбарияти билан ўзаро келишув ишлари олиб бормоқда. Унга кўра жорий йилда Германиядан келтириладиган 200 та «Мерседес-Бенц» автобусидан 20 тасини автосаройхонамизга



актриса кўзда тутилган. Яқин кунларда ана 10 та «Исузу» микроавтобуси келиши кутилмоқда.

Уйлашимизки, амалга оширилиши режалаштирилган ушбу ишларимиз келгусида ўз самарасини беради. Шаҳримиз аҳолисига намунали транспорт хизмати кўрсатишга қорхонамиз ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Автосаройда бўлганимизда «Ешлар йили» муносабати билан жамиятининг махсус дастури ишлаб чиқилганлигининг гувоҳи бўлдик. Мазкур дастур қорхонада меҳнат қилаётган ешларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, етарли меҳнат шароитини яратиш, улар учун спорт майдончалари ташкил этиш сингари қатор вазифаларни ўз ичига қамраб олган. Бу эса шубҳасиз ешларни янада унумли меҳнат қилиш, эртанги кунга ишонч ва юксакликлар сари ундашга хизмат қилади.

(Ўз мухбиримиз)

Учрашувлар

УНИВЕРСИТЕТДА МАЪРИФИЙ КЕЧА

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИДА «ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ВА ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ» КАФЕДРАСИ ВА ШУ УНИВЕРСИТЕТНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА БЎЛИМИ ТАШКИЛОТЧИЛИГИДА, ТАЛАБАЛАР, ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ВА АДАБИЁТШУНОС ОЛИМ ҲАМДА ЁЗУВЧИЛАР ИШТИРОКИДА АДАБИЙ-МАЪРИФИЙ КЕЧА БЎЛИБ ЎТДИ.

Тадбирда сўзга чиққан ёзувчи, таржимон Маҳкам Маҳмудов, «Жаҳон адабиёти» журналининг адабиётшунослик ва публицистика бўлими мудири Ортиқбой Абдуллаев, журналининг шарқ адабиётлари бўлими мудири, таржимон Амир Файзулла, университетнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Турдиали Сафаров, «Ўзбекистон тарихи ва ҳуқуқ асослари» кафедрасининг мудири Раҳбархон Холқовалар талабаларнинг маънавий эътиборларидан келиб чиқиб, тарихий воқеаларни ёритишда бадиий адабиётнинг роли, тарих ва маънавият, тарих ва ижтимоий фанлар, тарихий шахсларнинг ўрта Осиё ва жаҳон тарихида тутган ўрни ва

роли тўғрисида турли қарашлар, адабиётнинг тарихий ҳалқимиз тарихи билан боғланганлик даражаси, Темурийлар даври маънавиятида Навоий ва Бобурнинг ўрни, уларнинг мероси ва ҳозирги замон, XX аср ўзбек адабиёти ва жаҳон адабиёти классикларининг Ўзбекистон ешлари учун аҳамияти ҳақида атрафлича фикр юритишди.

Ўзбек ва жаҳон адабиёти классиклари бадиий адабиётдан ўқилган парчалар ва улар асосида ижтимоий-сиёсий ҳаёт фалсафаси ҳақида билдирилган мулоҳазалар, ўқилган шеърлар кечани янада мазмундор қилди. Маълумки, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, озод ва обод жа-

миятни барпо этиш юзасидан белгиланган давлат сиёсатида ешларнинг билимларини ошириш ва истеъдодини рағбатлантириш, етуқ мутахассис бўлишининг асосий шарти ҳисобланган маънавий жиҳатдан ҳам вонга етиши муҳим ўрин тутди. Таъкидлаш жоизки, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бундай учрашувлар нафақат ешларнинг бўш вақтини мазмундор қилади, маънавиятини юксалтиради, шу билан бирга ижтимоий фанларни ўзлаштиришда, бадиий адабиёт, санъатни тушунишда, унинг мазмун-моҳиятини, диалектикасини эгаллашда ҳам қўл келади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

«Ташаббус — 2008»

МУВАФФАҚИЯТЛАРИ МУНОСИБ БАҲОЛАНДИ

ТАДБИРКОР ВА ХУНАРМАНДЛАРИНИНГ БИЛИМ ҲАМДА МАҲОРАТЛАРИНИ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, ХИЗМАТ КЎРСАТИШ, ИЖОДИНИНГ КЕНГ ҚИРРАЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТИШДА, УЛАРНИ МУНОСИБ РАҒБАТЛАНТИРИШ ҲАМДА КЕЛГУСИ МУВАФФАҚИЯТЛАРГА УНДАШДА ЮРТИМИЗДА ПРЕЗИДЕНТ СОВРИНИ УЧУН ЎТКАЗИЛАЁТган «ТАШАББУС» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ АҲАМИЯТИ КАТТА БЎЛМОҚДА.

Кўриқ-танловнинг Миробод туман босқичи муҳташам Темурйўлчилар маданият саройида ўтказилди. Унда ўз фаолиятлари билан туман иқтисодий ривожига ҳисса қўшаётган изланувчан тадбиркорлар ҳамда ота-боболаримиз, момоларимиздан мерос ақойиб хунарларимизни эъзозлаётган хунармандлар беллашишди. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, мазкур тадбирда асосан еш хунармандлар иштирок этишида ва уларнинг амалга ошираётган ишлари, изланишлари, миллий хунармандчиликни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари барчани мамнун этди. Чунки улар ўз ишлари билан аждрларимизга муносиб авлод бўлишга интилишмоқда, еш бўлишларига қарамай муносиб шоғирдлар тайёрлашмоқда.

Ҳайъат аъзолари 4 босқичда ўтказилган кўрик-танловда «Энг яхши тадбиркор» номинацияси бўйича тайёрланаётган махсулотнинг оригиналиги, рақобатбардошлиги, импорт ўрнини босиши ҳамда экспортбонлиги, ишлаб чиқаришда янги технологияларнинг қўлланишига, янги ишчи ўринлари яратишга эътибор қаратилгани, ишлаб чиқаришнинг узлуksизлиги, экспозициянинг безалиши

ҳамда махсулотга бўлган талабга, «Энг яхши хунарманд» номинациясида эса иштирокчиларнинг бадиий ижро савияси, унинг оригиналиги, ишни ташкил этиш қобилияти ва кўргазманиннг ўзига хослиги кўра хари биринчи баҳолашди. Шунингдек, иштирокчиларнинг чиқариши ҳам танловда асосий ўрин тутди, саволларга жавоб беришда эса билим ва топқирликлари қўл келди.

— Ўтказилаётган танлов давомида шунга амин бўлдикки, — дейди тадбир ташкилотчиларидан бири, туманда фаолият кўрсатаётган Ахборот-маслаҳат маркази бош мутахассиси Сайёра Тўхтаева, — тадбиркор ва хунармандларимиз бугунги талабалар асосида иш қуратиб, замон билан ҳамнафас қадам ташлашмоқда. Уларни рағбатлантириш, ҳар томонлама кўмак бериш, бошловчи тадбиркорларга эса тўғри йўл танашилариди маддадор бўлиш бизнинг бурчимиздир.

Кўзда тутилганидек, кўрик-танлов нихоясида голиблар аниқланиб, улар ўз иштирокларига кўра муносиб



Баҳолашни қўйиб, уларнинг ишларида муваффақиятлар келгуси ишларида муваффақият, шаҳар босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган голибларга омад тилашди.

бахоларини олишди. Натижаларни ҳисоблаб чиққан ҳайъат аъзолари замонавий дизайнга чарм махсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган «SABATELLI UNIVERSAL SERVICE» хусусий қорхонаси раҳбари Владислав Сабателлини «Энг яхши тадбиркор» номига сазовор деб топишди. Ушбу йўналиш бўйича 2-ўрин сифатли антифриз махсулотлари билан ички бозорда муносиб ўрин эгаллаётган «TOSOL-N» масъулияти чекланган жамияти директори Нуриддин Сайдалиев ва 3-ўрин темир йўллари учун турли жиҳозлар тайёрлаётган «TRANSTEX-SERVIS» масъулияти чекланган жамияти директори Александр Огайга насиб этди.

Хунари гўзаллар беллашувида эса зардўз Дилдора Авезова 1-ўринни эгаллаб, «Энг яхши хунарманд» номи олдди. Еғоч ўймаkori Мирсаид Нигматов 2-ўрин ҳамда кашта устаси Дилфуза Фозилова 3-ўринга лойиқ топилди.

ШАҲАР БОСҚИЧИГА ЙЎЛЛАНМА ОЛИШДИ

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ КЕНЖА ТУМАНЛАРИДАН ҲИСОбЛАНган БЕКТЕМИР ТУМАНИДА ҲАМ «ТАШАББУС—2008» КЎРИК-ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛДИ.

Тумандаги кўркем «Астробод» гузариди ташкил этилган мазкур тадбирда 7 нафар хунарманд ва 7 нафар тадбиркор иштирок этиб, фаолиятлари давомида эришган муваффақиятлар, келгуси режалари ҳақида маълумотлар беришда, шартлари бажаришда, махсулотлари кўргазмаси намоийишида фаоликларини кўрсатди.

Кўтаринки рўҳда ўтган кўрик-танлов якунида «Энг яхши тадбиркор» ҳамда «Энг яхши хунарманд» номинациялари бўйича голиблар эълон қилинди. Тадбиркорлар орасида

эртиш мосламаларининг харидорбоп турларини яратиб «Нур-эл бизнес» масъулияти чекланган жамияти директори Шохид Рашидов 1-ўрин, ошхона жиҳозлари ишлаб чиқараётган хусусий тадбиркор Шерали Содиқов 2-ўрин, ювиш ва тозалаш воситалари билан бурюрмачилар талабини қондираётган «Прогресс-РСФ» хусусий қорхонаси раҳбари Собир Раҳимов 3-ўринга сазовор бўлишди.

Хунармандчилик бўйича эса миниатюрари расом Нодир Қудратиллаев 1-ўрин, нақш ва миниатюра

устаси Камолитдин Абдуллаев 2-ўрин, ёғоч ўймаkori Музаффар Қурбоналиев 3-ўринни эгаллашди.

Кўрик-танлов сўнгида барча иштирокчиларга келгуси ишларида муваффақият, шаҳар босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган голибларга омад тилашди.


Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА: Миробод ва Бектемир туманида бўлиб ўтган «Ташаббус—2008» кўрик-танловдан лавҳалар.

Наталья Семёнова ва Максим Черногаев олган суратлар



«Жаҳон» АА





МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ХИКМАТЛАР

Кўз тияди ўзини кўрмаса боғ-бўстонлар, Димоғ чидар искамай гулу жамбул, райхонлар.

Бўлмаса ҳам ёстиклар ичи тўла момик пар, Таш кўйиб бош устига уйкуга тўйса бўлар.

Бўлмаса кучоғингда ёстикдош бир нозанин, Тизсанг кучиб, уйкуда билмайсан тун ўтганин.

Аммо бу хунари йўқ, ярамас қорин қурғур, Сабр нима сезмайди, чидам нима билмайди.

Яхшилар ёнидан ўтмас ҳеч қачон, Душмани тақмай унга бир бўҳтон.

Жаҳон равшанлигининг чашмасидир офтобу нур

Вале кўп шабпаракнинг кўзлари ундан ҳамиша кўр.

Душманга аламинг сўзлама асло, Кувониб демасин "Алхамдулилло!"

Эшитмаганмисан, этик наълига Бир сўфий бир неча миҳ урар экан. Бир сипоий келиб енгидан судраб, "Отимни тақалаб берасан!" деган.

Сўзинг гарчи дилкаш ва ширин бўлур, Мукофоти тасдику таҳсин бўлур.

Бир айтдингми, айтма уни ўзга дам, Тўйиб бир едингми, етар ҳолва ҳам.

Эй оқил, сўзинг ҳам бош-оёғи бор, Ўзга сўзга сўзинг қистирма зинҳор.

Ақлу хуш эгаси тadbирли инсон Сўз бошлар суҳбатдош жим бўлган замон.

Барча билганин демас фаросат ахли ҳар он, Подшоҳлар сири деб, бошдан айрилиш осон.

Дўстлар суҳбатидан дилим сиқилди, Ёмон феълимни ҳам яхши деюрлар.

Айбимни хунару камол деб англаб, Тиканимни гулу суман билурлар.

Ох, қайда у, ҳаёни билмаган ёв, Айбимни ўзимга фан қилурлар.

Агар бўлса кимнинг муриди султон, Ёмони ҳам яхши бўлур бегумон.

Кимни подшо тутса ўзидан йироқ, Ҳатто хонадони қилади мазок.

Гуллар тўқилди, тикони қолди, Ҳазина кетди, илони қолди.

Кўзингни найза учиди кўрмоқ Ёв дийдоридан минг бор яхшироқ.

Кўрмаслик учун бир ёвни кўзинг, Арзир ажрасанг минг дўстан ўзинг.

Хох фарёд айла-ю, хоҳи илтижо, Қароқчи қайтариб бермагай асло.

Асал демоқ бирла оғиз чучимас, Ари нишин синаб кўрмай бир бора.

Дедим, олай яна бир неча бор дам, Орзуга етолмай бўғилди нафас. Умр дастурхони устиди, афсус, Бирпас ўлтирмасдан дедиларки, бас.

Кўрибмидинг бирор кимса тишин сугурган чоғи, Не азобда чиқар кўкка унинг оху фиғони. Кўз олдингиз келтир энди нима бўлар аҳволи, Агар азиз вужудидан чиқар эса пўл ҳоли.

Мувозанат кетиб, бузилса мижоз, Топилмас дорию дармондан илож.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИНING КЎРГАЗМАЛАР ЗАЛИДА КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЁШ, ИСТЕЪДОДЛИ МЎЙҚАЛАМ УСТАЛАРИНИНГ ШАХСИЙ КЎРГАЗМАЛАРИ НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА. БУ АЛБАТТА САНЪАТСЕВАР, ИЖОДКОР ЁШЛАРНИ КЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАБ, УЛАРНИНГ ИҚТИДОРЛАРИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛАЁТИР.



ТАСВИРЛАРДА КЎНГИЛ ҚЎШИҚЛАРИ

Кўни кеча кўргазмалар залида ёш, истеъдодли рассом Тошпўлат Номозовнинг «Кўнгил қўшиқлари...» деб номланган шахсий кўргазмаси очилди. Кўргазманинг очи-лиш маросимида таниқли халқ рассомла-ри, санъатшунослар мусаввирнинг устозла-ри ҳамда шоғирдлари сўзга чиқиб, рассом-ни мана шундай кутул даргоҳда илк бор шахсий кўргазмаси намойиш этилаётганли-ги билан муборакбод этиб, унинг серқирра ва бетакрор ижоди ҳақида илиқ фикрлари-ни билдирдилар.

Кўнгил керакки, Тошпўлат Номозов ёшлигидан рассомчиликка иштиёқи ба-ланд бўлиб, ўз орзу-мақсоди йўлида бил-лим олишга аҳд қилди, аввалги П.Бень-ков номлидаги Республика рассомлик би-лика юртида сўнгра Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университе-тида тахсил олди. У мунтазам ижод билан шуғулланиб, тинмай изланишлари нати-жасида янги-янги асарлар яратди. Ўз асарларида ўлкамизнинг сўлим жойлари-дан саналмиш буюк алломою донишлар юрти бўлган Шахрисабзнинг гўзал табиа-ти, бепоён далалари, серҳосил боғлари, осмони, у ердаги меҳнаткаш инсонлар-нинг турмуши, қувноқ болалар образла-рини илиқ ва бетакрор рангларда ўзига хос тиниқ бўёқларда акс эттирган. Ҳозир-ги кунда у нафақат мусаввир, балки му-раббий ҳамдир. Т. Номозовнинг шоғирд-лари К.Бехзод номидаги Миллий рассом-лик ва дизайн институтини ҳамда Респуб-

лика рассомлик коллежида тах-сил олишмоқда. Тошпўлат Номозовнинг мазкур экспозициясидан хилма хил мав-зулардаги рангтаъсир ва акварел асарлари ўрин олган бўлиб, «Ховли», «Эски уй», «Сарнашма», «Парк», «Куз», «Манзара», «Со-кинлик», «Янги кун» сингари асарлари тиниқ ранглари бил-лан киши диққатини ўзига тор-тмай қўймайди. Рассомнинг асарлари респуб-лика, вилоят музейлари, «Чубин» галереяси ҳамда Германия, Италия, Япония, Россия каби 30 дан ортиқ хорижий мамлакатларнинг ху-сусий тўпламларидан муносиб ўрин олган.



ДИЛОРОМ ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: Тошпўлат Номозовнинг шахсий кўргазмасидан лавҳалар. Владимир Гранкин олган суратлар

«02»: ҲОДИСАЛАР

● Чилонзор туманида яшовчи, ҳеч қаерда иш-ламайдиган 47 ёшли Д.Гулбаев, турмуш ўртоғи 45 ёшли Тамара-нинг сўмасидан, 1938 й.т. нафақаси, Юнусобод туманида яшовчи Файрат Артиқовга тегишли бўлган 3.000.000 сўм пу-лини ўғирлаб кетган. На-тижада Тамара ўз турмуш ўртоғи ҳақида ИИБга му-рожаат этган. Ҳозирги ва-қта ўри эр қўлга оли-нди.

● Сергели туманида яшовчи 25 ёшли Исма-тулла ўз хонадонини вақ-тинча яшаш учун Жиззах вилоятидан келган колле-ж талабаси 17 ёшли Пулатга тақдим қилиб, та-лабанинг хонадонда бўлмаганлигини фойда-ланиб, қалит талаш йўли билан қириб 75.000 сўмлик «Хуелиан» телеви-зори, 70.000 сўмлик «Сони» русумли ДВД ап-парати, 78.000 сўмлик сариқ рангли эркалар дублёркаси, 20.000 сўмлик эркалар куртка-си, 33.000 сўм пули ва яна бошқа жами 295.000 сўмлик кийим-кечақлари-ни ўғирлаб кетган. Ҳозир-ги вақта Исматулла да-лилий ашёлар билан қўлга тушган. Юқоридаги ҳолатлар бўйича Ўз.Р.ЖКнинг 169-моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов чора-тад-бирлари олиб борилмоқ-да.

● Миробод тумани худудиди олиб борилган қидирув кузатув тadbир-лари натижасида, жино-ят-қидирув тезкор ходим-лари томонидан Чилон-зор туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган 37 ёшли Самариддин қўлга олинди. Тезкор маълумот асосида ушланган бу шахснинг уйи тинтув қилинганда, 44,63 грамм марихуана гивеанд мод-даси топилди. Тергов иш-лари давомида маълум

● Қашқадарё вилоя-тида яшовчи, олдин ўғир-лиги учун судланган, ҳеч қаерда ишламайдиган 27 ёшли Мурод исми шахс, Миробод туманида жой-лашган савдо дўконида, Сирдарё вилоятини яшовчи 23 ёшли Санжар-ни учратиб қолиб, уни «телефон аппаратларига эҳтиёт қилмади олиб бе-раман» деб алдаб, 4.500.000 сўмлик жами 32 донга ҳар хил русум-даги уяли алоқа телефо-н аппаратларини олиб, қай-тариб бермаган. Мурод далилий ашёлар билан қўлга олиниб, унга нисба-тан Ўз.Р.ЖКнинг 168-моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борил-моқда.

● Шайхонтоҳур туманида яшовчи, олдин суд-ланган, ишламайдиган 52 ёшли Нуриддин исми шахс, шу туманда яшовчи 36 ёшли Меҳри-бон исми аёлни ишон-тириб «танишларим орқ-али арзон нарҳда АҚШ доллари олиб бераман» деб алдаб 1.000.000 сўм пулларни олиб, қайтариб бермаган. Гумонланувчи Нуриддинга нисбатан Ўз.Р.ЖКнинг 168-моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқ-да.

● Шайхонтоҳур туманида яшовчи, олдин суд-ланган, ишламайдиган 52 ёшли Нуриддин исми шахс, шу туманда яшовчи 36 ёшли Меҳри-бон исми аёлни ишон-тириб «танишларим орқ-али арзон нарҳда АҚШ доллари олиб бераман» деб алдаб 1.000.000 сўм пулларни олиб, қайтариб бермаган. Гумонланувчи Нуриддинга нисбатан Ўз.Р.ЖКнинг 168-моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқ-да.

Юлдуз АШИРОВА, Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот мар-кази катта инспектори

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЁЪОНЛАР

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ томонидан 2008 йил 4 апрель кўни соат 11.00 да Ўзбекистон банклари ассоциациясини биносида ўтказиладиган очик аукцион савдо-ларига Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2006 йил 26 июлдаги 10250/3-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган

КЎЙИДАГИ МУЛК ҚАЙТАДАН ҚЎЙИЛМОҚДА:

Тошкент метрополитен курилиш дирекциясининг «Метрополитен капитал курилиш» ДУКга тегишли, Тошкент шаҳрининг Фаробий ва Сағбон кўчалари кесилган чорраҳада жойлашган, курилиши тугалланма-ган «Фаробий» нимстанцияси. Бошланғич баҳоси — 15 699 565 сўм 09 тийин.

Тошкент метрополитен курилиш дирекциясининг «Метрополитен капитал курилиш» ДУКга тегишли, Тошкент шаҳри, Юнусобод даҳаси, 7-мавзе, Мирзаахмедов кўчасидаги трамвайнинг охириги айланма бекатида жойлашган, курилиши тугалланмаган «Қорақамиш» нимстанцияси. Бошланғич баҳоси — 12 190 421 сўм 81 тийин.

Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санаси кўрсатилгани ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдориди закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» минни банки-даги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001-хисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларни қабул қилиш, савдодан бир кун олдин тўлатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қўйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин. Тош-кент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўч. 1-уй. Тел.138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB001-000010.

Спорт янгиликлари

КУЧЛИЛАР—ШОҲСУПАДА

ШАҲРИМИЗДАГИ «ЖУРЖОНИЙ» СПОРТ МАЖМУАСИДА СПОРТНИНГ НАФИС ТУРИ БЎЛМИШ БАДИИЙ ГИМНАСТИКА БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН ТОШКЕНТ ШАҲАР БИРИНЧИЛИГИ МУСОБАҚАЛАРИ ЁШЛАР ОРАСИДА БАДИИЙ ГИМНАСТИКАГА БЎЛГАН ҚИЗАҚИШ ТОБОРА ОРТИБ БОРАЁТГАНЛИГИНИ ЯНА БИР КАРРА ИСБОТЛАДИ.

Пойтахт туманларидан келган 80 нафар-дан зиёд қизлар голиблик учун кураш олиб борган ушбу мусобақа қизиқарли ўтди. Мусобақа якунида спортчилардан Диёра Ҳакимова, Настя Абрамкина, Лера Давидо-ва ва Тамилла Хўжаеваларга шохсупанинг юқори поғонасидан жой эгаллаш насиб этди.

ПОЙТАХТ ВАКИЛЛАРИ — МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН» СПОРТ МАЖМУИ СУВ СПОРТИ САРОЙИДА СУЗИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ ПОЙТАХТ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАЁТГАН СПОРТЧИЛАРГА ОМАД КЕЛТИРДИ.

Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Респуб-ликаси ҳамда барча вилоятлардан келган сув спорти усталари ўртасидаги беллашув-лар қизиқарли кечди. Чемпионат якунида эркин, баттерфляй,

басс, комплекс усулда турли масофаларга сузиш бўйича бешта олтин медални анди-жонлик Раъно Омонова қўлга киритган бўлса, шахримиз вакилларидан Сергей Панков ва Андрей Марковичга икки мар-тадан голиблик шохсупасига кўтарилиш на-сиб этди.

Шунингдек, шахримиз шарафини ҳимоя қилган Юлдуз Жабборова, Дмитрий Логи-нов, Мафтунабону Тўхтасинова, Екатерина Нардишева, Юлдуз Қўқорова, Сергей Цой, Дмитрий Шевцов, Андрей Раҳматуллаев, андижонлик Собит Омилов, навоийлик Анна Фоминалар ҳам мамлакат чемпиони бўлиш-ди. Чемпионат якунида голиб ва соврин-дорларга мутасаддилар томонидан соврин-лар ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

АЛИШЕРНИНГ АЖОЙИБ ГАЛАБАСИ

РОССИЯНИНГ ЕКАТЕРИНБУРГ ШАҲРИДА ПРОФЕССИОНАЛ БОКСНИНГ WBO ЙЎНАЛИШИДА 80 КИЛОГРАММДАН ОРТИҚ БЎЛГАН БОКСЧИЛАР ЎРТАСИДА ЖАНГЛАР УЮШТИРИЛДИ.

Ушбу жангларнинг бирида «Осиё-Тинч океани» минтақаси чемпиони ҳамюртимиз Алишер Раҳимовга қарши таиландлик Ти-тичери Сингванчи ринга чиқди. Шуни ай-тиш жоизки, беллашувни кескин ҳужумлар билан бошлаган ҳамюртимизнинг кучли зарбалари таиландлик боксчини қийин аҳволга солиб қўйди. Тўртинчи раундда эса учрашув мuddатидан аввал якунланди. Ҳамюртимиз рақибини нокаут ҳолига ту-ширди ва ўзининг ўн олтинчи галабасини нишонлади.

(Ўз мухбиримиз)

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЁЪОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчамиз хонадонларимизга етказиб берилаётган газ, электр энергияси, совуқ ва иссиқ сувдан фойдаланамиз. Унутманг, кўрсатилган коммунал хизматлар бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиниши эртанги кундаги сифатли хизматлар га-ровидир.

Коммунал хизматлар ва фойдаланиш ҳаракатлари учун тўловларни ўз вақти-да тўлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир ва ушбу тўловлар пойтахтнинг уй-жой — коммунал хўжалигини янада ривожлантириш йўлида сарфланади. Аҳоли то-монидан истеъмоли қилинган электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда бошқа коммунал хизматлар учун тўловлар аҳолининг ўз танловига кўра, фақат чекловларсиз тижорат банки муассасаларида, тўловларни қабул қилиш касса-лариди ва почта бўлимларида амалга оширилади.

Фақат умумий саъй-ҳаракатларни бирлаштирган ҳолда, барчамиз ҳамкорлик-да коммунал хизматлар фаолиятининг самарадорлигига эришишимиз мумкин.

Ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тadbиркорлар диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлашти-рувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тadbиркорлик субъектларини текширишни янада қис-қартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тад-бирлари тўғрисида»ги Фармони талаблари асосида ко-миссия қошида савдо-саноат палатаси ва тadbиркорлар-дан иборат Жамоатчилик Кенгаши ташкил этилган.

Сизнинг қорхонангизда турли назорат органлари то-монидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз комиссиянинг ишчи органига қўйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз. Ҳудудий комиссиянинг ишчи органи: 144-51-63, 140-32-18.



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4061 нусхада босилади. Қоғоз бирими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиmlарига «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмохонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 3 4 5 6